

## 2020 йил 30 октябрь ФАН ВА ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ЁШЛАРНИНГ ЎРНИ мавзусидаги Республика илмий ва илмий-техник анжумани

2020 йил «Илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили» давлат дастурининг амалдаги ижросини ЎзР Фанлар академиясида таъминлаш мақсадида **2020 йилнинг 30 октябрь кuni** ЎзР ФА Ёш олимлар кенгаши ташаббуси билан «**Фан ва таълимни ривожлантиришда ёшларнинг ўрни**» мавзусида Республика илмий ва илмий-амалий конференцияси ZOOM интернет канали орқали Онлайн форматда бўлиб ўтди.

Конференциянинг асосий мақсади - ЎзР ёш олимларининг инновацион гоялари, илмий ишланмалари, тадқиқот натижалари билан ўртоқлашиш, муҳокама этиш ва муносиб қўллаб-қувватлашда муносиб шарт-шароитлар яратиб беришдан иборатдир.

Конференция ишини ю.ф.д., профессор, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ёш олимлар кенгаши раиси Саид Саидахрарович Гулямов олиб борди.



Шундан сунг, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Бош илмий котиби, техника фанлари доктори, профессор **Ғайрат Атаханович Баҳодиров Ёшларнинг замонавий қадриятлари** хақида сузлади ва ёшларга анжумандаги фаол иштирок учун миннатдорчилик билдирди.



Иқтисод фанлари доктори, академик, Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университетининг Тошкент филиали директори **Каландар Абдурахманов** Ёш олимлар инновациялар ривожида асосий кучи эканлиги хақида гапириб, анжуман иштирокчиларига муваффақиятлари тилади.



Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги директори ўринбосари **Дилнозахон Собировна Каттаханова "Янги Ўзбекистон ёшлари - учинчи Ренессанс драйверлари"** мавзусида маъруза қилиб, анжуманда фаол иштирок этаётган ёшларнинг келгусидаги илмий ишларида муваффақиятлар тилади.



Бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси, иқтисод фанлари буйича фалсафа доктори (PhD) **Шерзод Султанбоевич Жўраев** Конференцияда иштирок этиб, ёш олимларнинг ишларига муваффақият тилади.



Шундан сунг Саид Саидахрарович Гулямов суз олиб, ёшларни етакчи Европа давлатларининг рейтингини баланд журналларида илмий мақолаларни чоп этиш тартиблари билан таништирди.



Шундан сунг шўьба йигилишлари ўз ишини бошлади.

1. Физика-математика ва техника фанлари шўьбаси. Модераторлар: ф.м.ф.д. У Қурбонов, Н.Тилово
2. Табиий ва қишлоқ хўжсалик фанлари шўьбаси. Модераторлар: б.ф.ф.д. PhD А.У. Мирзаева, т.ф.ф.д. PhD Р.А.Ботиров
3. Ижтимоий-гуманитар фанлар шўьбаси. Модераторлар: ю.ф.д., проф С.С.Гулямов, ф.ф.н., доц. Г.Ҳ.Тиллаева



Конференция сўнгида фалсафа фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ёш олимлар кенгаши раис ўринбосари Гулсанам Хамдамовна Тиллаева анжуман резолюциясини ўқиб эшиттирди ва шўъба йиғилишлари қарорига мувофиқ энг фаол иштирок этган ёш олимларни эълон қилди.



Конференция қизгин, мунозараларга бой тарзда утди.

Конференциянинг ишчи гуруҳига Республикамизнинг барча вилоятларида илмий фаолият олиб бораётган ёш олимлар томонидан тақдим этилган 200 дан ортиқ илмий мақолалар сараланиб, илмий тўплам шаклига келтирилиб, онлайн тарзда чоп этилди.

